



ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ИККИ ЭШИК ОРАСИ” РОМАНИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ ТИПЛАРИ

Ўраева Дармон Саидахмедовна¹, Тўраева Ирода

Шераматовна²

¹БухДУ профессори, ф.ф.д., ²Қарши ДУ мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5576294>

ARTICLE INFO

Received: 05th October 2021
Accepted: 10th October 2021
Online: 15th October 2021

KEY WORDS

фольклоризм,
этнографик
фольклоризм, аналитик
фольклоризм, тўй, аза,
маросим, урф-одат,
бешиқ, адиб, роман.

ABSTRACT

Ушбу мақолада таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимовнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати хусусида фикр юритилган. Айниқса, унинг “Икки эшик ораси” романида қўлланган тўй, мотам маросимларига алоқадор этнографик фольклоризмларининг бадиий-эстетик моҳияти ва вазифалари, улар билан боғлиқ халқ қўшиқларининг аналитик фольклоризм сифатида келтирилиши мисоллар асосида очиқ берилган. Адиб этнографик фольклоризмларининг яратилиш манбалари ёритилган.

Дунё халқлари адабиётшунослигида фольклоризмларнинг бадиий асар халқчиллигини ва миллийлигини оширишдаги ўрни, роли, шаклланиш асослари, ижтимоий-руҳий, бадиий-эстетик омиллари, ички типлари таснифи, тадрижий такомил хусусиятлари, ижодкор маҳоратини белгилашдаги аҳамиятига қизиқиш ҳамиша устувор бўлган. Кейинги пайтларда ҳар бир халқ адабиётида муайян ижодкор фольклоризмини тарихий-қиёсий, тарихий-маданий, қиёсий-типологик ва биографик аспектда ёритишга бағишланган тадқиқотлар салмоғининг йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам шу улкан қизиқишнинг самарасидир.

Фольклоризмлар орасида тўй, аза, ибодат, бирор касалликни даволаш, мушкулотга ечим излаш мақсадида ташкил қилинадиган халқ тадбирлари асосида шакллантирилган этнографик фольклоризмлар мавжудки, улар ўзбек романаписларининг илк, уруш даври, турғунлик, истиқлол арафаси ва истиқлол даври яратилган намуналарида бадиий асар ҳамда ундаги қаҳрамон, персонажларнинг миллий-руҳий хусусиятларини очиқ беришда муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборни тортади. Айнан шунинг учун уларнинг бадиий-этнографик, тарихий-фалсафий, эстетик моҳияти, ижтимоий-психологик асослари, поэтик



вазифаларини чуқур илмий очиб бериш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Халқимиз томонидан яратилган ва асрлар мобайнида кўз қорачиғидай асраб келинган миллий қадриятларимиз, урф-одату маросимларимиз талқини ҳамда тасвирининг ёзувчи-шоирлар бадий асарларида кўпинча этнографик фольклоризм сифатида берилаётганини илмий асослаш, унинг спецификаси, таснифи, генезиси ва поэтикаси масалаларини тизимли ҳал этиш миллий адабиётимиз бадий тараққиёт хусусиятларини белгилаб кўрсатиш имконини беради.

Дунё фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида фольклоризмлар типологияси, халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиёт тараққиётига таъсири, ёзма адабиётда фольклор аънаналарини давом эттириш масалалари долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб, уни ўрганиш ўзига хос тарихга эга. Ўзбек адабиётшунослигида бу масалага қизиқиш бевосита рус адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида амалга оширилган М.К.Азадовский, П.С.Виходцев, В.Б.Агрба, Л.И.Емельянов, Г.А.Левинтон, У.Б.Далгат, А.А.Горелов, Е.Г.Позднякова, Л.П.Бессонова каби тадқиқотчиларнинг изланишлари таъсирида пайдо бўлди.¹ Бу жиҳатдан Б.Саримсоқов, И.Ёрматов

тадқиқотчилари алоҳида эътиборни тортади.²

Айрим асарларда маросимлар номига ёки ўтказилиш тарзига ишора қилувчи парчалар учрайди. Масалан, Ўткир Ҳошимовнинг “Уни бешик тўйисиям мени гарданимда!” парчаси орқали чақалоқ туғилганда ўтказиладиган маросим номига ишора қилинмоқда.

Инсон дунёдан ўтгандан сўнг ҳам маросим ўтказиладики, бу “аза маросими” дейилади. Ёзувчи асарда ушбу маросим тасвирига алоҳида ўрин ажратган: “Бир куни эрталаб уйимизга анча одам йиғилди. Олача тўн кийган кишилар, оппоқ кўйлак кийиб, бошига оқ рўмол ўраган хотинлар... Дадам бошимни кўксига босганча хўрсиниб-хўрсиниб йилади.”

Ушбу тасвир бола тилидан ҳикоя қилинган. Китобхон ушбу парчани ўқир экан, кўз олдида аза маросими гавдаланади.

Асарда тўй маросими тасвири ҳам келтирилган: “Қорону тушар-тушмас тумонат одам тўпланди. Башанг кийинган эркаклар, ясан-тусан қилган хотинлар. Кўтармада шунча кўп бола борлигини билмаган эканман.

Пастак эшикдан ҳовлига чопиб кирдик. Қарасам, ҳовли ўртасида ловиллаб гулхан ёняпти. Дадамни аланга атрофидан уч марта айлантиришди”.

Бунда тўй воқелиги ёш Музаффар тилидан ҳикоя қилинган. Асарда тўй

¹ Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М. - Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с. Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. – Л.: Наука, 1963. – 549 с.

² Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 90.



маросими учун алоҳида бир бўлим ажратилган. Унда келиннинг куёв хонадонига олиб келиниши тасвири ҳам келтирилган: “Қани, қудапошшалар! – Абдувалининг ойиси кураш тушадиган полвондек гердайиб ўртага чиқди. Куёв томон билан беллашман деганлар борми? У каттакон чорси қийиқчанинг бир учидан тутиб силкитди. Беш-олти хотин Абдувалининг ойисидан кейин сафга тузилди. Худди поездга ўхшаб, бир-бирининг белидан қучоқлаб олишди.

Келин томондан кўкрак бурма кўйлак кийган гавдали хотин ўртага чиқди. Абдувалининг ойиси гавдалининг ойиси тутиб турган қийиқчанинг нариги четидан ушлади.

Шу тарзда хотинлар арқонни ҳамма ўз томонига тортди. Парча хола ҳеч куёв томонига ёр бермаётган эди. Охирида барибир бўйсунишга мажбур бўлади”.

Бу парча орқали ёзувчи келин куёвникига тушириб келингач, ҳар

иккала томон хотин-қизларининг ўзаро беллашиши жараёнини тасвирлаб кўрсатмоқда.

Романда тўй тасвирини жонли яратиш учун ёр-ёр қўшиқларидан аналитик фолклоризм сифатида фойдаланилган:

Тоғда тойчоқ кишнайди, от бўлдим деб ёр-ёр

Уйда келин йилайди, ёт бўлдим деб ёр-ёр
Йилама, қиз, йилама, ёт бўлдим, деб ёр-ёр.

Остонаси тиллодан уй сеники ёр-ёр.

Осмонда юлдуз кўрдим, Олтин Қозик ёр-ёр

Тушаётган келиннинг кўнгли нозик ёр-ёр.

Асарда ўзбек оилавий-маиший маросимларининг ҳеч бири четлаб ўтилмаган. Ёзувчи улар орасидан “Келинсалом”, “Чаллар”, “Совчилик”, “Маълум оши” кабилар билан боғлиқ бирмунча кенгроқ тасвирларни берган.

References:

1. Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М. - Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с.
2. Выходцев П.С. Русская советская поэзия и народное творчество. – Л.: Наука, 1963. – 549 с.
3. Саримсоқов Б. Фолклоризмлар типологияси масаласига доир / Ўзбек фолклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 90.
4. Ҳошимов Ў. “Икки эшик ораси”. Тошкент: Шарқ, 2016.-Б.121.